

ЕТУК ИЛМ СОҲИБИ ҲАЗРАТИ УМАР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ

Давронова Зебинисо Дилшод кизи

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти*

*4 – курс талабаси Ҳазрати Умарнинг насаблари ва дастлабки ҳаётлари*

У кишининг тўлиқ исмлари Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абдулғуззо ибн Риёх ибн Абдуллоҳ ибн Қурт ибн Разоҳ ибн Адий ибн Каъб ибн Луай Қураший Адавийдир. У киши ўзларининг саккизинчи боболарида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг насаблари ила туташадилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу кучли ва шиддатли бўлганлари учун Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам у кишига Абу Ҳафс деган куня берганлар. Бу «шер, арслон» деган маънони англатади.

Шунингдек, Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга яна «Форуқ», яъни «Ҳақ ила ботилни ажратувчи» деган лақабни ҳам берганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламдан ўн уч йил кейин туғилганлар.

У кишининг оталари – Хаттоб ибн Нуфайл.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг оналари Ҳантама бинт Ҳошим ибн Муғйра Махзумия бўлиб, у киши Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг амакиларининг кизлари бўлган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ёшлиқларидан жасурлик, мардлик ва жоҳилият ҳаёти руҳида тарбия топган эдилар.

У киши жоҳилият даврида Қурайшнинг ашрофларидан ҳисобланиб, уларга элчилик вазифаси топширилган эди. Орада уруш чиқиб қолса, у киши элчилик қилар эдилар.

Умар розияллоҳу анҳу новча, жуссадор, оппоқ, икки ёноқлари қизил одам бўлганлар.

Умар розияллоҳу анҳунинг Исломга киришлари

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг Исломга киришлари қиссасини Ибн Саъд, Абу Яъло, Ҳоким ва Байҳақийлар Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Бир куни Умар қиличини яланғочлаб чиқди. Унга йўлда Бану зухралик бир киши учраб қолди ва: «Қаерга кетяпсан, эй Умар?» деб сўради. «Муҳаммадни ўлдиргани кетяпман», деди Умар. «Муҳаммадни ўлдирсанг, Бану Ҳошим ва Бану Зухрадан қандай эмин бўласан?» деди ҳалиги одам. «Сен ҳам диндан чиққанга ўхшайсан?!» деди Умар. «Сенга ажиб бир гап айтайми? Куёвинг билан синглинг диндан чиқишди! Ҳа,



сенинг динингдан чиқишди!» деди. Умар йўлидан қайтиб, иккисининг олдига борди. Уларнинг хузурида Хаббооб ибн Арат бор эди. У Умарнинг шарпасини сезиб, уйнинг ичига беркиниб олди. Умар кирди ва: «Бу шивир-шивир нима?!» деди. Улар Тоҳони қироат қилишаётган эди. Иккиси: «Ўзаро гапимиздан бошқа нарса йўқ», дейишди. «Эҳтимол, икковинг диндан чиққандирсанлар?!» деди. Шунда куёви унга: «Эй Умар, агар ҳақ сизнинг динингиздан бошқада бўлса...» дейиши билан Умар унга ташланиб, босиб олганча ура бошлади. Синглиси уни эридан нари қилиш учун келди. У синглисини ҳам уриб, юзини қонга беллади. Ғазабланган сингил: «Агар ҳақ сизнинг динингиздан бошқада бўлса, мен «Ашҳаду аллаа илааха иллаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва росулху» деб гувоҳлик бераман», деди. Шунда Умар: «Узингиздаги ёзилган нарсани менга беринглар. Ўқиб кўрай-чи», деди. У ўқишни биларди. Синглиси: «Сиз нопоксиз. Буни фақатгина покланганлар ушлайдилар. Туринг, ғусл қилиб келинг», деди. У туриб ғусл қилиб келди. Сўнг ёзилган нарсани олди. У Тоҳо сурасидан «Мен Ўзим Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Менга ибодат қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт» (14-оят)гача ўқиди ва: «Мени Муҳаммаднинг олдига олиб боринглар», деди. Умарнинг гапини эшитиб, Хаббооб беркинган жойидан чиқди ва: «Эй Умар, хурсанд бўл. Мен Расулulloх соллалллоху алайҳи васалламнинг пайшанба кечасидаги «Аллоҳим! Исломни Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Ҳишом билан азиз қилгин», деб қилган дуолари сен хақингда қабул бўлишини орзу қиламан», деди.

Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам Сафонинг пастисидаги ҳовлида эдилар. Умар ўша ҳовлига борди. Унинг эшиги олдида Ҳамза, Талха ва бошқалар турган эдилар. Ҳамза розияллоху анҳу: «Ана Умар. Агар Аллох унга яхшилиқни ирода қилган бўлса, мусулмон бўлади. Агар ундан бошқани ирода қилган бўлса, биз учун уни ўлдириш осон кечади», дедилар. Пайғамбар соллалллоху алайҳи васаллам ичкарида эдилар. У зотга ваҳий нозил бўлаётган эди. (Сўнг) чиқиб, Умарнинг олдига келдилар. Унинг ёқасидан ва қиличбоғидан тортиб туриб: «Эй Умар! Аллох сенга Валид ибн Муғийрага туширган ор ва азобни туширмагунча қайтмайсанми?!» дедилар. Умар: «Ашҳаду аллаа илааха иллаллоху ва ашҳаду аннака абдуллоҳи ва расулху!» деди» («Тарихи хулафо»).

Ушбу ҳаяжонли лаҳзада ҳовлида турганлар бутун атрофни бошларига кўтариб, овозларининг борича «Аллоху акбар!» дея такбир айтдилар. Ҳазрати Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз ҳақда эмасмизми?» дедилар. У зот соллалллоху алайҳи васаллам: «Ҳақдамиз», дедилар. «Ундай бўлса,



нимага беркинамитиз?!» дедилар Умар. Мусулмонлар биринчи марта икки саф бўлиб, очикчасига Байтуллоҳ томон йўл олдилар. Бир сафни ҳазрати Ҳамза, иккинчисини ҳазрати Умар бошлаб борар эдилар. Улар масжидга кирдилар. Қурайшликлар бир Ҳамзага, бир Умарга қараб, ичларидан зил кетишарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхуга «Форук» лақабини ўша куни бердилар. Ўшанда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга пайғамбарлик келганининг олтинчи йили зулҳижжа ойи эди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг ёшлари ўттиз иккида эди. Бундан уч кун олдин Ҳамза розияллоҳу анху Исломга кирган эдилар. Умар розияллоҳу анхунинг хижратлари Мадинага хижрат қилиш бошланди. Мусулмонлар бирин-кетин хижрат қила бошладилар. Ҳамма мушриклардан кўрқиб, яширинча хижрат қилди. Фақат бир киши, яъни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхугина ошкора хижрат қилдилар. У киши хижрат қилишга қарор қилганларидан сўнг кийимларини кийиб, қуролларини тақиб, бемалол Байтуллоҳди етти марта айланиб, тавоф қилдилар. Мақоми Иброҳимда икки рақъат намоз ўқидилар. Сўнг: «Қим онасини азадор, хотинини тул, боласини етим қолдирмоқчи бўлса, менга манави водийнинг ортида учрашсин. Мен хижрат қилмоқчиман!» дедилар. Ҳеч ким чурқ эта олмади.

Умар розияллоҳу анху Аллоҳ таолонинг Расули маслаҳат қиладиган, машварат сўрайдиган саҳобалардан эдилар. Баъзи вақтларда ҳазрати Умарнинг фикрларини қўллаб оятлар ҳам нозил бўлар эди. Масалан, Бадр урушидан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига асирларни нима қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат қилдилар. Умар розияллоҳу анху уларнинг барчасини ўлдиришни маслаҳат бердилар, Абу Бакр розияллоҳу анху улардан фидя олиш кераклигини айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анхунинг маслаҳатини олдилар. Шунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг фикрларини қўллаб, Анфол сурасидаги бир оятни нозил қилди. Унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам итоб қилинган эдилар. «Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши тўғри эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи нарсасини ирода қиласизлар. Аллоҳ эса охиратни ирода қиладир. Аллоҳ азиздир, ҳақимдир» (67-оят).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анху хамрнинг ҳаром қилинишини орзу қилар эдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда оят нозил қилганида, у киши хотиржам бўлдилар.

Шунингдек, ҳазрати Умар розияллоҳу анху аёллар масаласида, хусусан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари борасида



хижобнинг фарз бўлишини истар эдилар. Хижоб ояти нозил бўлиб, у кишининг кўнгиллари таскин топди.

Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул вафот этганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жаноза намози ўқишни ирода қилдилар, Умар розияллоҳу анҳу у зот билан тортишдилар, муноқаша қилдилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло Умар розияллоҳу анҳунинг фикрларини қўллаб, Тавба сурасидаги қуйидаги оятни нозил қилди:

«Ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқима, қабри устида турма, чунки улар Аллоҳга ва Унинг расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар» (84-оят).

Умар розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан барча ғазотларда иштирок этдилар. У эса барча жангларда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида турар, ҳеч ажрамас, у зотни мудофаа қилиб, ёмонликлардан, хавф-хатарлардан тўсар эдилар.

У киши ўзлари ижтиҳод қилмас, балки Аллоҳ ва Расулунинг ҳар бир каломини ҳарфма-ҳарф бажарар эдилар. Умар розияллоҳу анҳу бу борада Абу Бакр розияллоҳу анҳудан кейинги иккинчи саҳоба ҳисобланар эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида Умар розияллоҳу анҳу у кишининг энг яқин маслаҳатчилари, давлат ишларини юритишда ўнг қўллари бўлдилар.

Умар розияллоҳу анҳуга байъат қилиниши

Абу Бакр розияллоҳу анҳу бетоб бўлиб, вафотлари яқинлашганини ҳис қилганларида, мусулмонлар ичида ихтилоф чикмаслиги учун аввалдан халифа тайинлаб қўйишни ирода қилдилар ва у киши ҳазрати Умарни ихтиёр этдилар. Катта саҳобалар билан маслаҳатлашган эдилар, улар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватладилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу Умар розияллоҳу анҳуга байъат қилдилар, сўнг мусулмонлар ҳам байъат қилишди. Бир неча кун ўтиб, Абу Бакр розияллоҳу анҳу вафот қилдилар.

## ҲАЗРАТИ УМАР РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ТИНЧЛИК

### ЖАБҲАСИДАГИ ОЛАМШУМУЛ ИШЛАРИ

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг мусулмонлар халифаси, уларнинг бош раҳбари сифатида олиб борган фаолиятлари намозга ўтиш, узоқдан туриб шимол тарафда кетаётган фатҳ ишларини бошқаришдангина иборат бўлмаган. У кишининг мақсадлари Қуръони Карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, шариат таълимотлари асосида дунёдаги энг мукаммал, ҳаётнинг барча соҳаларида энг намунали жамият қуришни таъминлаш ҳам эди. Мана шу мақсадга эришиш йўлида у



киши ҳар тарафлама ва серкирра фаолият олиб борар эдилар. Милодий XX асрнинг охирларида ғайримусулмон мутахассислар томонидан инсоният тарихида жамиятларга энг кўп фойда келтирган шахсларнинг исм-шарифларидан тузилган рўйхатнинг тўртинчи ўрнида Умар розияллоху анхунинг исмлари келтирилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қуйида ҳазрати Умар розияллоху анхунинг оламшумул фаолиятларидан баъзи намуналарни қисқача келтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

### ҲАЗРАТИ УМАР ВА ИЛМ

Инсон илм-маърифатга эга бўлмасдан туриб, дунё халқлари ичида пешқадам бўлишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва инсониятга то қиёматгача икки дунё саодатига эришиш йўлларини кўрсатиб борадиган динини, яъни Исломни илм дини қилган.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху раҳбар сифатида бу маънони ҳатто энг нозик жойларигача, тўлиқ ҳис қилар эдилар. Шунинг учун ҳам у киши Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ва хусусан, ўзларининг даврларида илмга алоҳида эътибор бердилар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрган тушлари бежиз бўлмайди. У зот тушларида косода сут ичганлари, ортиб қолганини эса ҳазрати Умарга берганларини кўрганлари ва саҳобаи киромлар бунинг таъвилини сўраганларида илмга йўйганлари ҳаммага маълум. Шу боис ҳам Умар ибн Хаттоб розияллоху анху илмга ниҳоятда ҳарис эдилар.

Имом Бухорий Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумодан, у киши ҳазрати Умардан ривоят қиладилар:

«Менинг Бану Умайя ибн Зайд уруғидан ансорий бир қўшним бор эди. У Мадинанинг юқори тарафидан эди. Расулulloхнинг ҳузурларига навбат билан тушар эдик. Бир кун у, бир кун мен тушар эдим. У менга ваҳий ва бошқа хабарларни келтирар эди. Мен ҳам унга шундай хабарларни келтирар эдим».

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан содир бўладиган илмга қизиқиш бундан ортиқ бўлиши мумкинми?

Ибн Абдулбарр Ҳилол Варроқдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Огоҳ бўлинглар! Энг рост гап Аллохнинг каломидир. Энг яхши йўл Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг йўллари дир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо



қилинганларидир. Огоҳ бўлинглар! Илм одамларга уларнинг улуғларидан келса, улар яхшиликда бардавом бўлурлар», дер эдилар».

Ҳазрати Умар раҳбар сифатида аҳолининг таълим-тарбиясига катта эътибор берар эдилар. Вақtlари бор бўлса, кишиларга шахсан ўзлари таълим берганлар.

Абдурразок, Ибн Абу Шайба ва Ибн Жарир Табарийлар Ибн Сириндан ривоят қиладилар: «Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумо одамларга «Аллоҳга ибодат қиласан. У Зотга ҳеч кимни шерик келтирмайсан. Аллоҳ сенга фарз қилган намозни ўз вақтида ўқийсан. Унга бепарво бўлиш ҳалокатдир. Закотни чин кўнгилдан чиқариб берасан. Рамазон рўзасини тутасан. Волий этиб тайинланган одамга кулоқ осиб, итоат қиласан» деб Исломни ўргатар эдилар».

Имом Байҳақий ва Асбаҳонийлар Ҳасандан ривоят қиладилар:

«Бир аъробий Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг олдига келиб: «Эй Умар! Менга динни ўргат!» деди. У: «Лаа илааҳа иллаллоху, Муҳаммадур Расулуллох», деб шаҳодат келтирасан. Намоз ўқийсан. Закот берасан. Байтни ҳаж қиласан. Рамазон рўзасини тутасан. Ошкораликни лозим тут. Сирдан сақлан. Уятга сабаб бўладиган ҳар бир нарсадан сакдан. Аллоҳга йўлиққанингда «Умар менга шуни амр қилди» деб айт», деди».

Доракутний Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху кўлимдан тутиб, менга ташаххудни ўргатди ва Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам унинг кўлидан тутиб, «Ат-таҳийяту...» деб ўргатганларини айтди».

Имом Молик, Шофеъий, Таҳовий ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Абдурраҳмон ибн Абдул Қорий Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг минбарда туриб, одамларга «Ат-таҳийяту лиллааҳи...» деб ташаххудни ўргатаётганларини эшитганини айтган.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху раҳбар сифатида аҳолининг таълим борасидаги ишларига катта аҳамият берар эдилар. У киши аввало пойтахтнинг ушбу соҳадаги ишларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Ибн Саъд Басрий Қосимдан ривоят қилади:

«Умар барча сафарларда ўз ўрнига Зайд ибн Собитни қўйиб кетардилар. У киши одамларни турли юртларга муҳим ишлар билан юборар эдилар. Одамлар у кишидан Зайд ибн Собитни сўрашса: «Зайднинг мартабаси эсимдан чикқани йўқ. Лекин юрт аҳли Зайдга муҳтождир. Улар Зайднинг айтиб берадиган нарсаларини бошқа одамдан топа олмайдилар», дер эдилар».

Ибн Саъд Солим ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади:



«Зайд ибн Собит розияллоху анху вафот қилган куни Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху билан бирга эдик. Мен: «Бугун одамларнинг олими вафот қилди», дедим. У: «Аллоҳ уни бугун раҳмат қилсин! У Умарнинг халифалигида одамларнинг олими ва илм денгизи эди. Умар уни турли юртларга юборди ва ўз фикрларидан фатво айтишдан қайтарди. Зайд ибн Собит Мадинада ўтириб, Мадина аҳлига ва келганларга фатво берар эди», деди.

Ҳазрати Умарнинг Мадина аҳлига устоз бўлган Зайд ибн Собит розияллоху анхуни эҳтиром қилишлари ва унга таълим учун шароит яратиб беришлари ниҳоятда катта гап эди. Раҳбар илмга бу даражада аҳамият берган жойда илм албатта ривож топади. Ҳазрати Умарнинг олим одамга бошқа турли юмушларни буюрмай, унга таълим ишлари учун шароит яратиб беришлари, уни ўз ўринларига қўйиб кетишлари ўша вақтда Мадинаи мунавварада илмнинг ривож топиши учун катта омил ҳисобланган.

Ушбу ривоятга диққат билан назар ташласак, ҳазрати Умарнинг яна бир улкан даҳоликларини кўрамыз. У кишининг ўзлари катта олим бўлганлари учун илм соҳиблари ила муомала қилишни ўрнига қўйганлар. Ҳазрати Умарнинг ташқарига иш билан кетган саҳобаи киромларга фатво беришга изн бермаганлари катта ҳикматга молик ишдир. Бу билан марказдан, раҳбарнинг назаридан узоқда бўлган кишиларнинг ўз шароитларидан келиб чиқиб, бир юртда, бир вақтда ва бир хил масалада ҳар хил фатво бериб қўйишларининг ҳамда ихтилоф чиқишининг олдини олганлар.

Шунингдек, Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Ислом жамиятининг бошқа тарафларига ҳам илм тарқатишга катта аҳамият берганлар.

Ибн Саъд Басрий Ҳориса ибн Музаррибдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг Куфа аҳлига ёзган мактубини ўқидим: «Аммо баъд: Мен сизларга Амморни амир, Абдуллоҳни муаллим ва вазир қилиб юбордим. Иккови ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг фазилатли саҳобаларидан. Уларга қулоқ осинг ва эргашинг. Мен Абдуллоҳни ўзимга олиб қолмай, сизларга илиндим».

Ибн Саъд Абул Асвад Дуалийдан ривоят қилади:

«Басрага борсам, Имрон ибн Ҳусоин Абу Нажуд розияллоху анху бор экан. Уни Умар ибн Хаттоб розияллоху анху. Басра аҳлига фикҳни ўргатиш учун юборган экан».

Демак, ҳазрати Умар ўзлари бошқарган Ислом жамиятининг вилоятларига амирлар қўйишга қанчалик эътибор берсалар, таълим



ишларига ҳам шунчалик эътибор берганлар. У киши таълим ишларига масъул кишиларни вазир даражасига кўтарганлар. Гоҳида ўзларига керак бўлиб турган етук мутахассисларни ҳам вилоятларга юборганлар. Кўфа ва Басра шаҳарларининг кейинчалик катта илм марказларига айланишига ҳазрати Умар сабабчи бўлганлар десак, муболага қилмаган бўламыз.

Ибн Саъд, Ҳоким ва имом Бухорий «Тарихи сағир»да мухтасар қилиб, Муҳаммад ибн Каъб Қуразийдан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида ансорлардан беш киши, яъни Муоз ибн Жабал, Убода ибн Сомит, Убай ибн Каъб, Абу Айюб ва Абу Дардо розияллоҳу анхулар Қуръонни жамлаган, яъни тўлиқ ёд олган эдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг замонида унга Язид ибн Абу Суфён розияллоҳу анху: «Шом аҳли кўпайиб, шаҳарларни тўлдирдилар ва ўзларига Қуръон, фикҳ ўргатадиган кишиларга мухтож бўлдилар. Эй мўминларнинг амири, менга уларга таълим берадиган кишилардан ёрдам беринг», деб ёзди.

Умар ҳалиги беш кишини чакириб, уларга: «Шомлик биродарларингиз мендан уларга Қуръондан таълим берадиган ва динни ўргатадиган кишилардан ёрдам беришни сўрадилар. Аллоҳ хайрингизни берсин, сизлар ўзингиздан учтангиз ила менга ёрдам беринглар. Агар хоҳласангиз, қуръа ташланглар. Агар учтангиз кўнгилли бўлиб чиксалар, чиксинлар», дедилар. Улар: «Қуръа ташлашга ҳожат йўқ. Бу киши қариб қолган», дейишди Абу Айюбни кўрсатиб. «Бу киши эса бемор», дейишди Убай ибн Каъбни кўрсатиб. Муоз ибн Жабал, Убода ва Абу Дардолар чиқишди. Умар: «Ҳимсдан бошланглар. У ерда турли-туман одамларни учратасизлар. Уларнинг ичида Қуръонни шоша-пиша ёдлаб оладиганлари ҳам бор. Қачон шундайларни кўрсангиз, уларга (Қуръонни тўғри ўқишни ўргатиш учун) бир тоифа одам юборинглар. Қачон улардан (уларнинг Қуръон ўқишидан) рози бўлсангиз, у ерда бир киши қолсин. Бир киши Дамашққа борсин, бошқаси Фаластинга», дедилар.

Улар Ҳимсга бориб, у ердагиларнинг ўқишидан рози бўлгунларича турдилар. Кейин у ерда Убода қолди. Абу Дардо Дамашққа, Муоз эса Фаластинга кетди.

Муоз Амвосда ўлат тарқалган йили вафот этди. Кейин Убода Фаластинга бориб, ўша ерда вафот топди. Абу Дардо ҳам вафот этгунча Дамашқда турди».

Бу ерда ҳам вилоят раҳбарининг, ҳам давлат раҳбари ва таълим бўйича масъул кишиларнинг фидокорликлари намоён бўлмоқда.



Язид ибн Абу Суфён ўз вилоятидаги илмий ишларнинг ривожига ҳақида қайғуриб, раҳбардан ёрдам сўрамоқдалар. Эътибор берайлик-а, у киши хазина учун қўшимча маблағ сўраётганлари йўқ, миршаблик ёки жосуслик учун одамлар сўраётганлари йўқ. Шом ўлкаси аҳолисига илм ўргатиш учун олимлар сўрамоқдалар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бу масаланинг ва ўлканинг аҳамиятини яхши билганлари учун у ерга Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида Қуръонни жамлаган ва тўлиқ ёд олиб ўзлаштирган улуғ саҳобаларни юбормоқдалар. Уларни чақириб, ёлвориш оҳангида муомала қилмоқдалар. Ҳазрати Умарнинг уларга ёлворишлари, ишга борувчиларни қуръа ташлаб аниқлашни маслаҳат беришлари – ҳамма-ҳаммаси бу ишнинг нечоғлик машаққатли иш эканини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам ишга кетаётган зотларга Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг ўзлари алоҳида маслаҳатлар бермоқдалар.

Муоз ибн Жабал, Убода ибн Сомит ва Абу Дардо розияллоху анхумнинг илм йўлидаги фидокорликларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ўзларининг қари ва бемор шерикларини эҳтиром қилиб, барча оғирликни ўзларига олдилар ва бу машаққатли ишни умрларининг охиригача шараф билан адо этдилар.

Ҳимс, Дамашқ ва Фаластиндан ҳозиргача тинимсиз машҳур уламолар етишиб чиқмоқца. Бунга эса юқорида исмлари зикр этилган азиз инсонлар асос солган бўлсалар, ажаб эмас.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг ўзлари олим бўлганлари учун илм ва илм олиш қоидалари ҳамда одобларини жуда яхши билар эдилар. Кишиларни ҳам ўша қоидаларга амал қилишга чорлар эдилар.

Табароний Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Жобияда хутба қилиб: «Эй одамлар! Ким Қуръондан сўрамоқчи бўлса, Убай ибн Каъбнинг олдида келсин. Ким меросдан сўрамоқчи бўлса, Зайд ибн Собитнинг олдида келсин. Ким фикҳдан сўрамоқчи бўлса, Муоз ибн Жабалнинг олдида келсин. Ким мол-дунёдан сўрамоқчи бўлса, менинг олдимга келсин. Аллоҳ мени унга волий ва тақсимловчи қилди», дедилар».

Ҳар қандай илмни ўз мутахассисидан олиш керак. Саҳобаи киромлар ичида ҳам маълум илм билан шуҳрат топган кишилар бўлган. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг раҳбар сифатида бундай кўрсатма беришлари катта аҳамиятга эга эди. Ана шу кўрсатмаларга амал қилинса, жамиятнинг илмга ажратган маблағи ҳам, мутахассисларнинг илмдари ҳам зое



кетмайди. Жамиятнинг ривожини учун зарур бўлган мутахассисларга эса етарли даражада илм берилади.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху олим шахс сифатида илм нима, олим ким, уларга қандай муомалада бўлиш керак буларни жуда яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам у кишининг илм бўйича раҳбар сифатида олиб борган сиёсатлари ғоят муваффақиятли чиққан.

Имом Аҳмад ва Ибн Абдулбаррлар Умар розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Илмни ўрганишлар ва уни одамларга ўргатишлар. Шу билан бирга илм учун виқор ва сокинликни ҳам ўрганишлар. Узингиз таълим олган кишига ва таълим берган кишига тавозели бўлишлар. Жаббор уламо бўлмангки, жоҳиллигингиз илмингиздан устун бўлиб қолмасин».

Раҳбари «Илмни ўрганишлар ва уни одамларга ўргатишлар» деб турган жамиятда илм ривож топмаса, қаерда ривож топиши мумкин?

Раҳбари «Илм учун виқор ва сокинликни ҳам ўрганишлар» деб турган жамиятда уламолар виқорли ва сокин бўлмасалар, қаерда бўлишлари мумкин?

Раҳбари «Ўзингиз таълим олган кишига ва таълим берган кишига тавозели бўлинг» деб турган жамиятда олимларгаю толиби илмларга нисбатан тавозели бўлинмаса қаерда бўлиши мумкин?

Раҳбари «Жаббор уламо бўлманг» деб турган жамиятда бир-бирини ғажийдиган, илмга ва олимларга бало бўладиган жабборлар йўқ бўлмасдан, қаерда йўқ бўлсин?

Раҳбари «Жоҳиллигингиз илмингиздан устун бўлиб қолмасин» деб турган жамиятда илм соҳиблари билмагани билганидан кўп эканини тушуниб етиб, доимий равишда илмий изланишда бўлмаса, бошқа қаерда бўлиши мумкин?

Ҳа, ким олим-у, ким олим эмаслигини билган юртдагина, ҳақиқий олим кадр топган юртдагина илм ривожланади ва ўша юрт илмий асосда тараққий этади.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху буюк олим эдилар. У кишининг илмларига ҳамма саҳобаи киромлар ҳам тан берар эдилар.

Табароний Абу Воилдан ривоят қилади: «Абдуллоҳ розияллоху анху: «Агар Умар розияллоху анхунинг илми тарозининг бир палласига, қолган одамларнинг илми тарозининг иккинчи палласига қўйилса, унинг илми оғир келар эди», деди.



Ибн Саъд келтирган ривоятда Мадина ахдидан бир киши: «Умарнинг олдига бориб карасам, факихдар унинг олдида ёш болага ўхшаб турибдилар. У ўз илми ва фикҳи ила улардан устун эди», деган.

Ким «Ҳазрати Умар фақат исломий, яъни Қуръон, ҳадис, фикҳ каби илмларгагина эътибор берган» деб ўйласа, катта хато қилган бўлади. Ҳазрати Умар ўз даврларидаги жамият учун фойдали бўлган барча илмларга бир хил муносабатда бўлганлар.

Ибн Абу Шайба ва Ибн Абдулбаррлар Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан илм ҳақида у кишининг ўзлари айтган қуйидаги гапларни ривоят қиладилар: «Ушбу юлдузлар ҳақида қуруқлик ва сув зулматларида йўл топадиган нарсангизни ўрганинг, қолганидан тийилинг», яъни «Юлдузларни ўрганиш жамият ҳаёти учун фойда берадиган ўрганиш бўлсин, фолбинлик учун бўлмасин», Ҳазрати Умарнинг «тийилинг» деганлари шу маънони англатади.

Бошқа бир ривоятда ҳазрати Умар: «Юлдузлар ҳақида қуруқлик ва сув зулматларида йўл топадиган илмни ўрганинглар, насаблар ҳақидаги илмни ўрганинглар», деганлар.

Бунда насл-насаб илмини ўрганишга ҳам тарғиб бор. Уша вақтда, ўша жамиятда бор илмларнинг ўзи ҳам шу эди.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддик розияллоху анхулардан кейин Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бошқа соҳалар қатори илм соҳасида ҳам ўзларига юклатилган масъулиятни шараф ила адо этганлар десак, заррача муболаға бўлмайти.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони карим.
2. Тафсирул Жалолайн. Имом Ж. Суютий ва Ж. Маҳаллий. Дорул китабул Арабий. Байрут 1987 й.
3. Тафсири Ҳилол 2 жуз. Шайх М. Содик М. Юсуф. Мавр.. Тошкент–2006.
4. Қуръони Карим маъноларини таржимаси. Аловуддин Мансур.
5. Расулulloх (с.а.в.)нинг саҳобалари ҳаёти. Муҳаммад Рожи Ҳасан Каннос. Дорул Маърифат. Байрут 2005 й.
6. Расулulloх (с.а.в.) атрофидаги кишилар ва Расулulloх (с.а.в.) халифалари. Ҳолид Муҳаммад Ҳолид. Дорул Мактам. Қоҳира 2004 й.
7. Саҳобалар ҳаёти. М. Ю. Кандехлавий. 2 жуз. Дорул Фикр. Байрут 2002 й.



8. Ал – Жомеъ ас- Саҳиҳ. 1 – жуз. Имом Бухорий.
9. Нурил яқин маъа итмомул вафо. Муҳаммад Хузарий. Мавроуннаҳр – 1992й.
10. Дин насиҳатдир. Шайх М. Юсуф. Мавр.... Тошкент- 2006.
11. Ашараи Мубашшиара. Асадали Ҳақимжон. 1994.

